

ТАЗОД ВА УНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бердиев Хусан Холназарович

*Иқтисодиёт ва педагогика университети
нодавлат таълим муассасаси доценти*

Аннотация: ушбу мақолада поэтик санъатлардан бири тазоднинг қадимги шеърятдаги намуналари таҳлил этилган. Унда “Девону луғатит турк”даги материалларга мурожаат этилган.

Калит сўзлар: қадимги шеърят, поэтика, лингвопоэтик ёндашув, тазод.

Байтда маъно жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлган сўзлар тазод дейилади. Айнан антоним бўлмасдан, балки умумий мазмунда зидлик сезилса ҳам тазод бўлаверади.

Жуда қадим замонлардан ёз ва қишни қаршилантириш приёми шеърятда кенг тарқалган. Халқ кўшиқларининг илк намуналарида ёз иссиқлик, тўқлик, тўкинлик, қиш эса совуқлик, очлик, йўқчилик рамзи сифатида талқин қилинган ва улар бир-бирига қарама-қарши кўйилган. “Йилнинг бир фасли уларни шодлантурса, иккинчи бир фасли ғоят ғам-ғуссага солади. Қиш фасли учун етарли озиқ-овқат ва ем-хашак жамғаролмай, қаттиқ қийинчиликларга дуч келган кишилар ёзга ижобий, қишга салбий муносабатда бўлиб, ёз фаслини қувонч билан қарши олсалар, қишни даҳшат ва мусибат келтирувчи фасл деб ҳисоблаганлар. Натижада, кўшиқларда ёз билан қиш бир-бирига қарма-қарши кўйилади, улар бир-бири билан жанг қилади:


Қиш била ёй тўқушти,
Қинир кўзунуғ бақишти,
Тутишқали яқишти,
Ўтғолима т ўғрашур ”

Ёй қиш била қаришти,
Ардам ёсин кўришти,
Чарик тутуб кўришти,
Ўқтағали ўтрушар.

Кўриниб турибдики, икки фасл тазоди жуда қадим илдизларга эга экан.

Бардї эрән қонуқ, көрўб қутқа сақар,
Қалдї јавуз ујук, көрўб эвни јіқар.


Бардї + қалдї ва эрән + јавуз сўзлари матнда зид маънода қўлланмоқда. Бинобарин, улар моҳият эътибори билан тазод санъатини юзага чиқарган. Ўрни келганда эслатиб ўтмоқ жоизки, мазкур байт “Девону луғотит турк”нинг шу томида яна учрайди. У кейинги ўринда байт эмас, балки банд тарзида берилган. Шунингдек, сўз қўлланишида ҳам баъзи фарқлар мавжуд. Контекстуал антонимларнинг ҳолати қуйидагича:



Өзлэк қамуғ кўврадї,
Эрдәм арїғ саврадї
Јунчїғ јавуз туврэдї,
Эрдәм бәгї јартїлуғ.


Бардї эрән қонук,
Болуб қутқа сақар,
Қалдї алїғ ујук
Көрўб эвнї јїқар.

Зидликнинг мисралараро хусусияти қуйидаги тартибда:




Сэндә қачар сундїлач,
Мэндә тїнар қарғїлач,
Татлїғ отар сундувач,
Эркәк тїшї учрашур.

Мунозара жанрининг илк намуналаридан ҳисобланмиш бу парчада тазодга хос унсурлар *сэндә+мэндә, тїнар+қачар* сўзлари орқали ҳосил бўлган:



Ушбу шеърий парчада иккинчи ҳолатдаги зидликни ҳам кузатиш мумкин. У юқоридаги сўзлар билан бир қаторда, жуфтликни англатувчи *эркәк* ва *тїшї* сўзлари иштирокида ҳосил бўлган:



Ағрук ағір ішіньні азнағуқа јүзүрмә
Ајрун өзўнь ошарїб азнағунї тозурма.

Көһўї кімінь болса қалї жоқ чїғаж
Қїлса күчўн болмас анї тоқ бај.

Ҳаётий хулоса баёни сифатидаги фикр ифодаланган бу байтда *joq+toj*, *chigaj+бай* сўзлари тазод ҳосил қилган. Зидлик ифодаловчи лисоний бирликлар таркибига кўра, биринчи мисрада ибора, иккинчи мисрада сўз шаклидадир Умуман олганда эса, тазод мисранинг сўнгги сўзлари зиммасига юкланган:

----- қалї жоқ чїғаж
----- тоқ бај.


***Санда қачар сандулач
Манда тїнар қарлугач
Татлїг отар сандувач
Эркак тїшї учрашур***

Матн антоним, синоним ва омонимлар, аникроғи, шундай хусусиятларни намоиш этувчи сўзлар мажмуидир. Қатор сўзлар мазмуний, вазилавий планга кўра антонимлар бўлиб, буни «санда-манда», «эркак-тиши» ҳамда «қачар-тїнар» жуфтликлари маъно муносабатида кўришимиз мумкин бўлади. Бироқ улар ўз луғовий маъносидами ёки семантик силжишлар асосида зидланиш ҳосил қилмоқдами? Негаки, биринчи антонимик жуфтлик, аввало, фасл тушунчасининг синонимларидир. Чунки *санда//қишида*, *манда//баҳорда* ўрнидадир ва шунинг учун ҳам шеърий парчада уларнинг антонимлиги шахс тушунчасидан йироқ, «қиш+баҳор»ни англатиши жиҳатидангина юзага келмоқда.

Шундай қилиб, бу ҳолатни қуйидаги тарзда чизмалар асосида кўриб ўтиш лозим топилди:

Антонимлик

I. Биринчи ҳолатда



Иккинчи ҳолатда


↑ Санда _____
↓ Маңда _____

Эркак – тїшї

Синонимлик

II. Биринчи ҳолатда

Сўзларнинг ёнлама+тик жойлашиши ва муносабатига кўра синонимлик



Сўзларнинг куйи + юкори жойлашиши ва муносабатига кўра синонимлик

II. Иккинча ҳолатда

-----сандулач
-----қардуғач
-----сандувач

Эркак тїшї ← учрашур →

Антоним ва синонимларнинг муносабатини биргина мисол асосида куйидаги тарзда ифодалаш мумкин:



Матнда келган сўзларнинг ўзаро муносабати ва мазмун-мундарижасида омонимлик ҳам мавжуд. Сан, ман, эркак тпшп сўзларининг қуйидаги ифодаси ҳам фикримизнинг далилидир:



Эркак тпшп умумлаштиришига эркак ва аёл парранда жинси (орнитонимларнинг қофияни кўра) хамма (матндаги умумлаштирувчилик хусусиятига кўра)

Демак, мазкур сўзлар проф. И.К.Мирзаевнинг омоним ва синонимлар ҳосил бўлиши ҳақидаги назарий хулосаларига таянадиган бўлсак, ўз навбатида шакл ва маъно муносабати ва матндаги хусусияти жиҳатидан қуйидагича намоён бўлади:



Поэтик матнда қўлланган контекстуал синонимларни лингвопоэтик аспектда ўрганиш тилнинг нафақат ижтимоий вазифа ҳамда мақсадларига, шунингдек, унинг кўплаб назарий-методологик масалаларига янгича ёндашиш имконини беради. Бу – биринчидан. Масаланинг иккинчи томони шундаки, поэтик нутқ шакл ва функция асимметриясини бузишда сўзловчи нутқидан ҳам

анча ўтиб кетади. У ўзига хос хусусиятлари билан умумлисоний функциялар тизимини, ўзининг алоҳида воситалари билан эса, ифоданинг умумлисоний тизимини тўлдиради. Грамматик шаклнинг функционал спектри ўзини фақат поэтик нутқдагина бор бўй-басти билан намоён этади.

Поэтик нутқда контекстуал синонимлар қўллаш ҳодисасида тил бирликларининг вазифа плани етакчилик қилади. Зеро, сўзларнинг маънолари уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатида кўпроқ намоён бўлади. Бунда нафақат лексик бирликлар, балки қўшимча ва кўмакчиларнинг ҳам ўрни муҳимлиги XI асрнинг йирик филологи М.Кошғарий томонидан ҳам таъкидланган.

Матнда иштирок этаётган ҳар бир сўз, умуман, ҳар қандай лисоний бирлик унинг яхлитлигини таъминлайди, шакл ва мазмунини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам матнда бир-бирига алоқадор тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, сўз бирикмаси ва гаплар келтирилади (мас.: юқоридаги байтда *дард*, *ўлмоқ*, *табиб*, *чора қилмоқ* сингарилар иштирок этаётгани каби). Бунда ўзига хос семантик силжишлар жараёни кузатилади – сўзлар янги маъно хусусиятларини намоёйиш этади. Контекстуал синонимлар бунинг ёрқин далилидир.

Юқоридаги байтда лексима асосли контекстуал синоним билан бир қаторда синтактик+лексик синонимик муносабат ҳам мавжуд. Бу “ўлармен” ва табиблар чора қила олмайдилар мазмунидаги иккинчи мисра алоқадорлигида намоён бўлган. Яъни:

синтаксема
----- ў л а р м е н -----
Табиблар бу балоға не чора қилғойлар.
Лексима

Ҳар қандай поэтик унсур, жумладан, шеърий санъатлар ва стилистик приёмлар, энг аввало, лисоний бирлик (белгилар)дир. Белгилар эса, маълумки, ифода, мазмун ва функция планларига эга. Уларни бирёқлама, яъни ифода, мазмун ва функция планида ўрганиш орқали эса, табиийки, уларнинг ўзлари ҳақида ҳам, матн ҳақида ҳам муайян тасаввур ҳосил қила олмайди. Шу аснода қуйидаги ҳолатни доимо эътиборда тутиш мақсадга мувофиқ:

Агар белги соф лингвистик (грамматик) нуқтаи назардан қараладиган бўлса, албатта, унинг ифода ва мазмун планлари муайян методлар асосида ўрганилади. Бироқ у матн доираида ўрганиладиган бўлса, унинг функция плани ҳам тадқиқ этиладики, аксарият ишларда асосан шу билан чегараланиб қолинмоқда.

Тилда субстанционал ҳодиса сифатида мавжуд белги билан, матнда қўлланилган белги бир нарса эмас. Яъни, нутқда актуаллашган белги муайян қуровда келувчи бошқа белгилар таъсирида ўзининг асл маъносидан бошқа маънолар ҳам касб этадики, буни биз ушбу тадқиқотда кўрсатиб беришга ҳаракат

қилдик. Контекстуал синонимларнинг пайдо бўлиши белгиларнинг ифода ва мазмун планлари ўзларга “ҳозирланган” доиралардан чиқади. Чунки ифодаловчи ўзининг туб функциясидан бошқа функцияларни бажаришга интилса, ифодаланмиш ўзининг асл белгиси воситаларидан бошқа воситалар ёрдамида ўзини ифодалашга ҳаракат қилади. Натижада, улар орасида асимметрия юзага келади. Белги қурилишининг ана шу асимметрик тузилиши синонимик тизимни ҳам бойитади. Контекстуал синонимлар пайдо бўлишини бу тарзда тушунтириш улар ҳақидаги кўплаб чалкашликларга барҳам беради.

Мазкур шеърда қофиядошликни фақат орнитонимлар билан боғлаш ҳам у қадар ҳақиқатга яқин эмас. Чунки банд доирасидаги қофиядошлик билан бир қаторда, матн доирасидаги қофиядошлик ҳам мавжудки, у бандлар оша ритм ҳосил қилишни таъминлайди. Демакки, бу вазифа шеърда кўпроқ ундан олдинги ўриндаги сўзлар зиммасига юкланган ва ритм + қофия мутаносиблиги ҳосил бўлган.

Адабиётлар:

1. Асаллаев А., Раҳмонов В., Мусурмонкулов Ф. «Бадий санъат жозибаси»— Т.: «Янги аср авлоди», 2005.
2. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. I том. – Т.: Фан, 1960.
3. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. III том. – Т.: Фан, 1963.